



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар!
Мунис опа-сингиллар, лобар қизларим!
Гўзал юртимизга барчамиз орзиқиб кутган кўкнам нафаси кириб келаятган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Баҳор тобора кучга кириб, табиат уйғониб бораётган шу кутлуғ айёмда сизларнинг азиз ва қадрдон юзларингиз, кўзларингизга боқиб, самимий туйғу ва тиллақларимизни изҳор этар эканмиз, биз баҳор ва аёл сўзларининг нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини янада чуқур англаймиз. Аёл зоти чиндан ҳам ўз тимсолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидойилик каби олижаноб инсоний фазилатларни мужассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, биз ҳаётимиз мазмуни бўлган севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик, сирли туйғуларни Яратганимизнинг бекиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотисиз асло тасаввур этолмаймиз.

Аёл деганда, кўз ўнгимизда аввало оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот — Она сиймоси намоен бўлади.

Меҳрибон ва мушқиф оналаримизнинг ана шундай буюк хизматини сўз мулкининг султони, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жисми қил садқа ано бошига» деган ҳикматли сўзларидан ўтказиб ифода этишнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Шу маънода, асрлар мобайнида ер юзиде ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаятган азиз ва муқаддас Она сиймоси, аёл зоти олдиде бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз-дир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайл�к — бу давлат ва жамият курилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими — уларнинг ривож ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч қандай кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг катта ҳисса қўшаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Хусусан, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғиндаги вақиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибиде 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоен қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётганида кўриш, кузатиш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта кўплаб мисолларни олиб келиш мумкин.

Биргина «Соғлом она — соғлом бола» деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуримиз доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг ўзи илгари ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч кўрилмаган салмоқли натижалари билан кўпчилиكنинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қиллоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган «Баркамол авлод йили» давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар албатта барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг қўламли, узокни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига етади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуғ мақсадга қаратилган барча сазй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, холис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамфармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларнинг жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осейишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват туйғуларининг қадрига етадиган жонқуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳам-жиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғаразли қучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар қучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўнра тарих учун қисқа бир мuddат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсига кўра, ҳақиқатан ҳам асрларга тенг давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажиги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча оғир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар қўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъсир ўтказиш учун қилинган турли босим ва таъйиқлар бўладими, иқтисодий зулиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта оғир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчаси, ўйлайманки, янги тарихимизда чуқур ўз қолдирадиган давр сифатида халқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайдди. Ишонаманки, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур ҳулоса ва сабоқлар чиқариб, мағрурлини яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммоларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар авваламбор заҳматқаш аёлларимизнинг елкасига тушди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, донолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга ишончи юртимизнинг ана шундай синовларни енгиб ўтишида мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқарор тараққиёт суратларимизнинг дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва беқийёс ҳисса қўшган, далада ва қорхоналарда, таълим ва шифо маҳалларида, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаётган сиз қадрдон опа-сингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимиизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслақдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан.

Муҳтарам опа-сингиллар!

Барчангизни кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо толеингиз баланд, ризку насибангиз зиёда бўлсин!
Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Аёл соғлом бўлса, миллат баркамол

«Туркистон» саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Аёллар соғлом элнинг фарзандлари баркамол, келажиги нурафшондир. Бу борада ўзбекистонлик хотин-қизларга — азиз ва муҳтарам онажонларимиз, мунис опа-сингилларимизга ҳавас қилса арзийди. Бугун юртимизда қайси соҳани олиб кўрманг, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшаётганидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллиكنинг илк йилларидан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломадлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар самарасини бугун ҳар жиҳатдан соғлом ва етук фарзандларимиз тимсолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, аёл саломатлиги — оила соғломлиги, жамият мустаҳкамлиги, мамлакат барқарорлигидир.

5 март куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан тароватли ва кўркам қиёфа касб этди. Хо-

тин-қизлар ташкилотлари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ўзларидек гўзал гуллари ва латиф табассуми Бош майдонимизга ажиб бир латофат ва файз бағишлади.

Хўрриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига қўйилган гуллар бахтли хотин-қизларимизнинг шукроналиги ифодасидир. Шу дамда Бахтиёр она ҳайкали сиймосида ҳам, унга боқиб турган аёлларимизнинг юз-кўзида ҳам муштарак эзгу фазилатлар — меҳрибонлик, фидойилик, пок ният, ҳаётдан мамнунлик ҳисси зухур этарди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова мустақил Ватанимизнинг ўтган йилги аёллик тараққиёт йўлида халқимиз эришган ҳар бир ютуқ замирида фидойи ва жонқуяр хотин-қизларимиз меҳнати мужасамчилигини, буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва мавқени мустаҳкамлаш, эзгу интилишларини кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг юксак самаралари эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)



Ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз бор!

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг умумий сони **370 минг**дан ортиқ бўлиб, шундан **145 минг**дан кўпроғи хотин-қизлардир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **8** нафар, Сенат аъзоларидан **5** нафари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашиларида **411** нафар депутат хотин-қизларимиз

фаолият кўрсатишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида «Фаол аёллар» қаноти, унинг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда

барча шаҳар ва туманларда бўғинлари ташкил этилган. Жамиятда хотин-қизлар фаолигини янада ошириш борасида ЎзХДП ташкилотлари қатор ташаббусларни амалга оширмоқда.

Аёл соғлом бўлса, миллат баркамол

«Туркистон» саройида 5 март кун Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир. Бу борада изчил амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» гоёсини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида барпо этилган ва замонавий тиббий усуллар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари бугун ҳар жиҳатдан соғлом наслни тарбиялаш имконини бермоқда. Бу саноат-характерларнинг самарасида бугун юртимиз дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва аналикни муҳофаза қилиш бо-

расида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу йўналишда юртимизда яратилган миллий тизим дунёнинг кўп-қисмида ривожланган мамлакатларида намуна сифатида ўрганилаётган.

Юртимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда бадий гимнастика билан шуғулланганидан қизлар сони уч баробар ошди, стол теннис ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сафи кенгайиб бормоқда. 2010 йилда халқаро миқёсдаги 42 мусобақада юртимиздан 500 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг учдан бир қисми қизлардир.

Бугун чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул хотин-қизларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очилмоқда. Бу — аёлларимизнинг меҳнати қадриланаётганидан, истеъдод ва салоҳияти рўёбга чиқаётганидан далolatдир. Агар 2005 йилда 198,4 минг нафар хотин-қиз иш би-

лан таъминланган бўлса, 2010 йил давомида она-сингилларимиз учун қарийб 460 мингга яқин иш ўрни яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

...Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг давлат университети 1-босқич талабаси Умидаҳон Жўраева, Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Бибиноз Қаймова, Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси Дилнавоз Қўлдошева хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва фамхўрлиги учун

давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов хотин-қизларга юртимизда кўрсатилаётган юксак эътиром баркамол авлодни воёга етказишга хизмат қилишни таъкидлади. Она сиймоси улуғланган шёърини ўқиб берди.

Сарой фойсисида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бадий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида таъсирли санъат ва миллий хунармандчилик соҳаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
Ўза мухбири.

Сизга таъзим, сизга эҳтиром

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
СамДУ профессори:



— Ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-Кулуб» асариде аёлларимизни шундай улуғлайди: «Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодлиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва оёсайишталиги ундан. Хўшли бўлса — кўнгул ёзиғи, хўшмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса,

агар бундай бахтга эришса, сирдошга, ҳамнафас ва махрамга эга бўлади...» Мен хонадонларимизни фаршати, барча эришган ва эришаётган ютуқларимизнинг сабабчиси ва илҳомчиси, авлод давомчиси, фарзандларимизнинг меҳрибон онаси, бир сўз билан айтганда, миллат тарбиясига бўлган барча оналаримизни байрам билан кутлайман!

Жамиятимиз таянчи

Эртанги кунимизнинг мустақкам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айнан аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва суянчимиз бўлиб майдонга чиқишни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ислам КАРИМОВ



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,

Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
раиси
ўринбосари

Барча яхши кўрган ва орзиқиб кутадиган хотин-қизлар байрами баҳорнинг илк кунларида нишонланиши, албатта, тасодифий эмас. Айнан шу паллада табиат уйғонади, Шарқда Йилбоши бошланади. Бу чуқур рамзий маънога эга. Аёл деганда кўз олдимишга онамиз келади. Она сиймоси эса ҳаётнинг тимсолидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳаётнинг давомчилиги ва Одам авлоди ўзидан кўпайишини таъминлаш Аёлга насиб этган. Аёл оила посбони сифатида, ўзининг нимжон елкасида рўзгорнинг оғир-енгиллини кўтаради, фарзанд тарбиялаб, воёга етказиши, уйни саранжом-сарийшта тутиб, оилада файзли бир муҳит яратди.

Маълумки, Ўзбекистонда мустақилликка эришган илк кунлардан аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтаририлган. Ушундан кўра давомда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқеини оширишга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ва қўшил-

ган, хотин-қизлар мақомини оширишга қаратилган муҳим халқаро ҳужжатлар, жумладан, «Аёллар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция ҳам аёллар ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қилмоқда. Конституциямизда ҳам хотин-қизларнинг жамиятда мавқеи баланд экани белги-

лаб қўйилган. Ушундан кўра «Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам аёлларга диққат-эътибор мужассамдир. Ушундан кўра Давлат дастурларига кўра, аёллар турмушига оид кўплаб камчиликлар бартараф этилди, янги муассасалар, саломатлик масканлари барпо этилди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳасида ял этиб кўзга ташланган қизларимиз ҳар йили бу мукофот билан тақдирланади ва бу мукофот хотин-қизлар янада фаоллашувига хизмат қилмоқда. Мустақиллик майдонида Она ва болага қўйилган обида — Бахтиёр она сиймоси эса Аёлларга беқиёс ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар ўз имконияти ва иқтидорини намойиш этиши учун яратилган шарт-шароит туфайли бугунги кунда улар жамият ҳаётининг барча жабҳасида ўзини намойиш қилмоқда, мустақилликимизни мустақамлашга, она юртимиз ободлиги ва Ватан тарққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугун улар саноат ва қурилиш, транспорт ва алоқа, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларида, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларида самарали фаолият кўрсатаётганини кўриб қувонасиз. Ёш олимларимиз кашфиётлари, спортчи қизларимиз зафари дунё миқёсида олқиш олмақда. Шунингдек, раҳбар, тадбиркор ва касаначилар ўртасида ҳам аёллар салмоқли ўрин эгаллаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилларида хотин-қизларимиз оилавий бизнес ва касаначиликни янада ри-

вовлантириш учун ҳаракат қилаётган. Бу дегани, турмуш фаровонлиги янада ошади, натижада оилалар эзгу орзу-тилақларини тўла рўёбга чиқариши учун имконият янада кенгаймоқда.

Хотин-қизлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида ҳам катта кучни ташкил этади. Улар турли мақомдаги депутат ёки партия ташкилоти етакчиси сифатида ХДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда самарали фаолият юритмоқда. Бунга, шунингдек, «Фаол аёллар» қаноти ва унинг бўлинмалари ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хотин-қизларимиз мамлакатимиз парламенти палаталарида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам самарали ишлар қилмоқда. Улар орасида, партияимиз вакиллари кам эмас. Чунончи, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси таркибиде сақикизта депутат аёл ўзларига ишонч билдирган аҳоли манфаатларини химоя қилмоқда. Улар қонун ижодкорлигига ўз улушларини қўшмоқда.

Партияимиз аъзоси бўлган Олий Мажлис Сенати таркибидеги да бешта аёл-сенатор ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида партиянинг барча ташкилотлари байрамолди маърифий кечалар, қизиқарли тадбир ва учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этди. Бунга Андижон вилоят партия кенгаши томонидан «Азиз ва муқаддас аёл» ва «Ўз билан юзлашган онахонлар», Жиззах вилоят партия кенгаши томонидан «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёл-

нинг бир қўли бешкини, бир қўли дунёни тебратар», «Аёл — жамият гултожи», «Ўзбек аёли тимсоли» — замон нигоҳида», Наманган вилоят партия кенгаши томонидан «Аёл, жамият, қадрият», «Аёл гўзаллиги оламни безар», Сурхондарё вилоят партия кенгаши томонидан «Аёл ва маънавият», «Хотин-қизлар ва сиёсат» мавзуларида ташкил этилган тадбирлар мисол бўла олади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жойлардаги партия кенгашлари байрам тадбирлари доирасида пенсияга чиққан, бемор ва ёлғиз яшаётган онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларга маънавий, тиббий ва маданий кўмак беришди. Уларнинг кўнглини олишди. Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу, ўз навбатида, партияимиз сафидеги хотин-қизларнинг янада фаоллашиши, жипслашиши, партияимиз тарафдорлари ва хайрихоҳлари сони ошишига хизмат қилади. Хотин-қизларимиз фаоллашуви, уларнинг ҳуқуқли ва сиёсий билимлари ошишига, шунингдек, 2006 йилдан бунга фаолият юритаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидеги ўқув-машғулотлар ҳамда семинар-тренинглр ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бугун, байрам арафасида диёримиздаги барча аёлларни Халқаро хотин-қизлар кўни билан самимий кутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, меҳр-оқибат ва барча эзгу орзу-ниятлари рўёбга чиқишига тилақдошман.



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор,
ЎзХДП фаоли:

— Ҳар биримиз ардоқлаган аёллар аввалида Она деган буюк зот туради. Албатта, мен ардоқлаган аёл зоти аввалида — меҳрибон, мушфиқ, дуосида дури бор, меҳру оқибатда, ҳалоллик ва ҳақиқатпўйликда ягона — ўз онам туради.

Мен умримиз гуллари, жонимиз чирғи, оиламиз ороми, бахтимиз бекаси бўлган барча аёлларимизни 8 март билан муборакбод этаман. Ҳамиша хушнуд, ҳамиша хушруй, ҳамиша хушбахт бўлиб юришишга тилақдошман.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:



— Шу пайтгача қуйлаган қўшиқларимда аёллар, оналар мавзусига кўп маротаба мурожаат қилганман. Раҳматли онам ҳақида қанча қуйласам, ҳамдек туолаверади...

Барча аёлларимизни байрам билан самимий муборакбод этаман. Қайгу нималигини ҳеч қачон билишмасин. Оналари ҳаёт бўлган йигитларимизга айтадиган

гапим бор. Бу ёрғу оламда сиздан бахтли, сиздан тўқис одам йўқ. Оналаримизни доим асраб-авайлайлик. Донишмандлардан бири айтгандек: Кўёйсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёлисиз шoir ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

Демак, бизга ҳаёт ато этган оналаримиз олдида бошимиз ерга теккунча таъзим қилишимиз керак.



Вадим АБРАМОВ,
Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Аёлларимиз аслида бундан-да кўпроқ эъзоз ва эътиборга лойиқ. Уларга ҳар кун гуллар тутсақ, ҳар кун эъзоз кўрсатсақ ҳам камлик қилади. Юртимиздаги ҳар бир аёлга гўзал бахт ёр бўлишини тилардим. Агар улар бўлмаганида биз эркаклар учун ҳаётнинг қизиги бўлмамасди. Майдонга чиқиб тўп

тепаётган футболчиларни ҳам оналари дунёга келтирилган. Истардимки, аёлларимиз юртимиз равнақи учун фойда келтирадиган фарзандларни тарбияласин. У футболчи бўлиши шарт эмас. Энг асосийси — инсон бўлсин! Яна бир бор аёлларимизни байрам билан самимий кутлайман!

Эркин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитасининг геология соҳасида илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси:



— Ўз кашфиётлари билан инсониятни ҳайратга солган, жон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимиз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобурдек мутафаккир алломаларни дунёга меҳр-оқибат, илмий бахт, келтириб, тарбиялаган ҳам оналардир.

Қани энди имконияти бўлса, азиз ва муътабар оналаримизни бошимизда кўтариб юрсақ, фақат байрам ку-

ни эмас, бугун умримиз давомида ардоқласак, хизматларини қилсақ. Мен ҳаётда эришаётган барча муваффақиятларим учун аввало онажонимнинг олдида қарздорман.

Уларга арчадай, чинордай, асрдай узоқ умр, асалдай ширин, осмон каби мусаффо, булоқ сувидек тиниқ, гул исидек нафис ҳаёт тилайман... Байрам муборак бўлсин, муқтарам бағиларимиз, оналаримиз, она-сингилларимиз!

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Тиббий кўрик акцияси

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан 3-4 март кунлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

Дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тиббий ижтимоий марказ шифокорлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Сўзга чиққанлар юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш ҳамда соҳанинг моддий-техник базасини мустақамлашга қаратилган эътибор ҳақида сўз юритишди.

Шунингдек, давра суҳбатида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий маркази томонидан «Соғлом она ва соғлом бола» Давлат дастурининг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Ўтказилган амалий тадбирнинг аҳамияти ҳам унинг доирасида партияимиз электорати бўлган ижтимоий химояга муҳтож оилалар вакиллари, жисмоний имконияти чекланган аёллар ва болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш акцияси ташкил этилган бўлди.

Сияра ЖАМБЕКОВА,
Тиббий ижтимоий марказ шифокори:
— Марказимиз 2006 йили ташкил этилган ва аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламга бевосита хизмат кўрсатиш мақсадида фаолият олиб боради. Бепул тиббий хизматлар кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш бизнинг асосий вазифамиздир.

Тадбир муносабати билан икки кун давомида Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи жисмоний имконияти чекланган ва кам таъминланган оилаларнинг 100 нафардан ортиқ хотин-қизлари ва болаларга хизмат кўрсатилди. Тор доирадаги мутахассислар кўригидан ўтказилди.

— Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтаририлган, — дейди Учтепа туманида яшовчи **Намма Аҳмаджонова.** — Буни мазкур акция мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда мен замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналарда малакали мутахассислар кўригидан ўтдим. Барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. — Жисмоний имкониятининг чеклангани бу ҳаракатдан тўхташ эмас, аксинча



янада қатъият билан олдинга интилишдир, — деди Зангиота туманидан келган иккинчи гуруҳ ногирони **Гулчехра Қирғизбоева.** — Юртимизда яратилган шароитлар имконият даражасида меҳнат қилиб, ўз ўрнинини топишга имкон беради. Ташкил этилган бу акция мен каби имконияти чекланган хотин-қизлар ва болалар учун ўз соғлиқлари-

ни тегишувдан ўтказиш, керакли муолажаларни олишга шарт-шароит яратди. Бундай эътибор кишини қувонтиради. Ҳаётга, Ватанга муҳаббатининг эида қилади.

Тиббий кўрик давомида шифокорлар тавсиясига кўра дори-дармонлар ҳам текин тарқатилди.

Алишер РАВШАНОВ

Ҳурмат ва эҳтиром ифодаси



Комила КАРОМОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси

■ Муҳтарам Юртбошимиз «Аёлни улуғламоқ оилани, Ватанини, ҳаётни улуғламоқдир», — дея таъкидлаган эди. Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Чунки инсоният тақдир онага, аёлга боғлиқ. Дарҳақиқат, келажак авлод-ни воёга етказиш, ёшларни баркамол инсон сифатида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тарихий қадриятлар ва миллий анъаналар бардавомлигини таъминлаш аёл зиммасида. Шунинг учун ҳам оналаримизни, аёлларимизни яратувчи, деб улуғлаймиз.

Мамлакатимизда аёлларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўтган йилларга «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Баркамол авлод йили» дея номлар берилиши ҳам хотин-қизларга муносабат, аёлга чексиз эътибор, келажакка ғамхўрликнинг тасдиғидир. 2004 йил Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан кейин оилада, давлат ва жамият курилишида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадаларига янада катта эътибор берилди. Хотин-қизлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Аёлларнинг сиёсий фаоллиги ошиши, хотин-қизлар

ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — оилалар фаровонлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган, инсон ҳуқуқлари оид қатор халқро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, қонунларимиз, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси пировардида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мавқеини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Оила муҳофазаси, аёллар ҳуқуқлари, аввало, Бош Қомусимизда мустақамлаб кўйилган. Конституциямизнинг 14-боби оила муҳофазасига бағишланади. 18-моддасида фуқароларнинг жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли экани, 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, 117-моддасида эса сайлаш ва сайланган ҳуқуқлари кафолатланган.

Ҳозирги кунда хотин-қизлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари орасида 22, Сенат аъзоларининг эса 17 фоизини ташкил қилади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг 12,5, туман Кенгашларининг 15, шаҳар Кенгашларининг эса 18,1 фоизи хотин-қизлардан иборат.

БМТга аъзо 192 давлатдан 182 тасида парламент мавжуд.

Дунё парламентларининг 9 тасида хотин-қиз депутат умуман, йўқ.

173 мамлакат парламентида аёллар вакили қилиб кўрсатирилган, шундан 83 мамлакатда номзод кўрсатишда аёллар учун квота жорий этилган. Мамлакатимиз парламенти 2004 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Унга асосан сиёсий партиялар томонидан мамлакат парламенти депутатлигига кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақида қанда мустақамлаб кўйилди.

Она ва бола саломатлиги — мамлакат ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофиза қилиниши Конституциямизнинг 65-моддасида мустақамланган. Оила Кодексининг 4-моддасида она ва бола манфаатларини му-

ҳофиза қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, меҳнатни оналик билан бирга олиб бориш учун аёлларга қўшимча шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминлиниши белгилаб қўйилган.

Аёллар саломатлиги ва соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиш кўрсаткичларидан бири бу — оналар ва болалар ўлими даражасининг камайишидир. Республика-мизда бугун оналар ўлими даражаси 2 баравар, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ўтган 20 йил давомида одамларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларники 75 ёшга етди.

Булар мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофиза қилиш соҳасида қилинаётган ишларнинг меъасидир. Фарзандлар соғлиги ва келажакига ғамхўрликни, аввало, она — аёлга кўрсатилаётган эҳтиром, деб тушуномок керак. Чунки она учун фарзанди қамол, бахтини кўришдан ортқ саодат йўқ.

Аёл — миллат келажиги, ҳаёт давомчиси. Момоларимиз, оналаримиз буюклар бешигини тебратган. Шундай экан, улғайиб эл-юрт қорига ярайдиган фарзандлар бешигини тебратиш ҳар бир она-синглимиз, қизларимизга насиб этсин.

Барча хотин-қизларни байрам билан самимий муборакбод этаман.

Ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз бор!



Мавлуда ИСМАТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Ҳар бир инсон фарзандининг камолтини кўриб қувониши истаганидек, ўқитувчи ҳам ўзи таълим берган ўқувчиларининг келажакда юртга муносиб кишилар бўлишини оруз қилади. Ярим асрлик педагогик фаолиятим давомида менга шундай бахт насиб этди. Ўқувчиларим орасидан фан докторлари, юқори ма-лакали шифокорлар, халқ ҳўжалигининг етакчи мутахассислари, шунингдек, ўқитувчи деган шарафли касб эгалари етишиб чиққанидан ҳамма фахрланиб юраман. Муаллимликдай машаққатли касб-

нинг ҳузур-ҳаловати, керак бўлса, рағбати шундаки, қаерга борсанг ҳам ўзинг ўқитган ўқувчиларини кўрасан. Улар сени бошига кўтариб ардоқлайди. Устоз дея атрофингда парвона бўлишади. Шундай дамларда барча азоб-уқубатлар унутилди. Бу касбнинг нечоғли шарафли, миллат келажакига дахлдор эканини чуқур ҳис этасан.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизга тинчлик, фаровонлик тилайман, барча аёлларимизни байрам билан чин юракдан муборакбод этаман.

Замира ЭСАНОВА,

юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик институти «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» кафедраси мудири:



— Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришда хотин-қиз олималарининг ҳам ўз ўрни бор. Аёл киши рўзгор ташвишларидан, фарзанд тарбиясидан ортиб, машаққатли меҳнат бўлган илм билан шуғулланиши учун иродали, ўз-ўзига талабчан бўлиши керак. Илм-фан намояндалари орасида академик, профессор, давлат мукофотлари совриндорлари бўлган аёлларнинг борлиги кишида

фахр-ифтихор туйғулари уйғотди.

Мен қизларимизга қарата: — Ҳеч қачон турмуш ташвишларига ўралашиб қолманглар, ҳаёт синовларини енгиб ўтишга ҳаракат қилинлар! — дегим келади. Чунки буюк инсонларни ҳам буюк оналар дунёга келтиради ва тарбиялайди. Хотин-қизлари билимли, доно, соғлом бўлган мамлакатнинг эса келажиги буюқдир.

Бахтингизни ҳис этиб яшанг



Зебо ЁДГОРОВА,

Бўка туманидаги «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты

■ Ота-боболаримиз азалдан элга фойдаси тегадиган бирон касб-хунарнинг этагидан тўлга яшаган. Бўка туманининг «Чигатой» қишлоғи ахли ҳам шу анъанага содиқ. Қишлоқ ҳудудида учта маҳалла бор.

Уларнинг ҳар бирида одамлар маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, рўзгор тебратди, тўқислик учун

ҳаракат қилади. Жағалбайликлар мевали дарахт кўчатларини етиштирса, олтишликлар халқимиз дастур-

хони учун хилма-хил кўкат ўстиради, иссиқхоналарда баҳор келмай лолалар очилади. Қорақудуқликлар чорвани ривожлантириб, қишлоқ аҳлининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиради.

Бу йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Партиямиз Марказий банк билан ҳамкорликда ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган электротар вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ишни бошлади. Биз ҳам шу мақсадда йил бошидан қишлоқимиздаги ижтимоий қўмак-мажмуҳга 6 та оила чорвачилик, қандолатчилик ва тикувчилик ишини бошлаши учун тижорат банкларидан микрокредитлар олишда ёрдам бердик. Улар ўз ишини ташкил қилиб, оиласи фаровонлиги учун жон куйдираётган-

нидан хурсанд. Биз эса зигирча бўлса-да, жамиятга фойдамиз текканидан мамнумимиз. Шу боис мазкур ҳаракат марковини янада кенгайтиришга интиляемиз.

Сўнгги икки йил давомида «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 35 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хамма шарт-шароит мужассам. Замонавий янги уйларнинг 19 тасига ёш оилалар жойлашди. Биз уйлар атрофини ободонлаштириб, мевали дарахтлар экиш, боғ яратиш ниятидамыз.

Обод жойда яшанинг, қуриш ва яратишнинг ҳосияти кўп. Ён-атрофда эзгу ишларни кўраётган киши яхшиликка интилади, яқинлари ва фарзандларини ҳам шунга ундайди. Булар барчаси тинчлик ва осойишталик туйғулари эканини англайди ва унинг қадрига етади.

Меҳнатим орқасидан жамиятда ўз ўрнимни топаман деган одам учун чексиз имкониятлар мавжуд. Фақат ҳар биримиз олдимизга катта мақсад қўйиб, шу йўлда астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Жамиятимизда аёлнинг ҳурмати катта. Бўлаётган ҳар бир ўзгариш аёллар, оилалар, келажак авлодлар учун деб уйлайман. Бунёдкорлик ишларини кўриб, давлатимиз раҳбарининг биз аёлларга чексиз меҳрини ҳис қиламиз. Шунга яраша меҳнат қилиб, мамлакатимиз бекиёс бўлишига муносиб ҳисса қўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Ўзгал дийеримизнинг барча хотин-қизларини байрам билан чин юракдан муборакбод этаман. Ҳар бир оилага ҳамма тинчлик-омонлик, фарзандлар бахтини кўриш насиб этсин.

Молия муассасаларида

OFB ORIENT FINANS BANK «ORIENT FINANS» ХЕАТБ:

Мақсад — юрт фаровонлиги, мижозлар ишончи

■ Мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида асосий эътибор банк тизими барқарорлигига қаратилган.


Юрт фаровонлигига ҳисса қўлиш, мижозларга қулайлик ва имкониятлар яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган «Orient Finans»нинг фаолияти Марказий банкнинг 2010 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга кўра амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, «Orient Finans» мамлакатимизнинг энг ёш молиявий муассасаларидан бири бўлишига қарамай, тезда бошқарувнинг самарали усуллари ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқди ҳамда қисқа муддатда ўзини иқтисодий ислохотларга фаол қўмлашувчи молиявий муассасалардан бири сифатида намоеъ этди. Бу, айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиялашда, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этишда ҳамда мижозларга юксак даражада

хизмат кўрсатишда намоеъ бўлмоқда. Чунончи, банк томонидан 2010 йил июнидан ҳозирги кунга қадар иқтисодиётнинг турли соҳаларига 3 миллиард сўм миқдоридан кредит маблағи йўналтирилган. Шундан фармацевтика соҳасига 1,1 миллиард сўм, улгуржи савдога 60 миллион сўм, чакана савдога 10 миллион сўм қисқа муддатли кредитлар ажратилган. Узоқ муддатга берилган кредитларнинг тахминан 1,7 миллиард сўми хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ва микроинвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда мазкур йўналиш бўйича доимий ишлайдиган «Call Centre»ни ташкил этиш жорий йилдаги асосий вазифа-

ларимиздан бири, — дейди банк кредит бошқармаси бошлиғи Камолдин Гадоибоев. — Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмининг янада ривожлантириш, айниқса, оилавий бизнес ва бошланғич сармоя учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадаларига ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмининг кескин ошириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, «Orient Finans» ХЕАТБнинг кенг марковли кредит сиёсати иқтисодиётнинг реал сектори ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уларни замонавий техника ва технология жижозлар билан таъминлаш ҳамда ўз айланма маблағларини тўлдирish учун кредитлар ажратишга қаратилган. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга уй-рўзгор буюмларини харид қилиш, олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган та-



лабаларнинг шартнома тўловларини амалга ошириш, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратиш каби масалаларни ҳам қамраб олган. «Orient Finans» банки банклар фаолиятига доир қарорларни ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширяпти. Жумладан, аҳоли ва хўжалик субъектларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда янги турдаги омонатларни жорий этиш орқали омонатчилар

сонини оширишга эришилмоқда. Шунингдек, банк томонидан пластик қарточкаларни кўпайтириш ва уларга хизмат кўрсатувчи савдо терминаторлари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилляпти.

Мухтасар айтганда, «Orient Finans» ХЕАТБ аҳоли ва хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали мижозлар ишончини мустақамлаб, юрт фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Алишер РЎЗИЕВ.



Малика ЭГАМБЕРДИЕВА,

«Ниҳол» мукофоти соҳиби:

— Юртимизда ёшларга, айниқса, қизларга ўз иқтидорларини намоеъ этиши учун барча шароитлар яратилган. Санъат соҳасида мунтазам равишда кўрик-танловлар ўтказилляпти, уларда ўзларининг иқтидорини кўрсатган ёшларга Давлат мукофотлари берилиб рағбатлантириляпти. Президентимизнинг болалар миқсда ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлашга доир Давлат дастури

тўғрисидаги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очаяпти. Эндилкида юртимизда санъат йўлида астойдил интилаётган ҳар бир ёшнинг меҳнати юзага чиқади. Ўзимдан қиёс, шундай мусиқа даргоҳида ўқидим. Кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. «Ниҳол» мукофотига лойиқ қўрилдим. Бу юксак мукофот мени янада ғайрат билан ижод қилишга ундайди.

Гулҳаё МАМАДАЛИЕВА,

Андижон вилоят перинатал маркази 2-акушерлик бўлими катта ҳамшираси



— Андижон тиббиёт билим юртини битириб, шу ерда иш фаолиятини бошлаганман. Устозим Салимадон Қажомовадан ҳамширалик сирларини ўргандим.

Бугун эрталаб ўғилларим — Андижон давлат тиббиёт институти 4-босқич талабаси Лазизбек, қишлоқ ҳўжалиги институтида тахсил олаётган кичик ўғлим Азизбек мени, синглиси Гулираънони байрам билан қутлашди.

Фурсатдан фойдаланиб, Андижон давлат тиббиёт институти акушерлик-гинекология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори Дилоромхон Асронқулова, 2-акушерлик бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Дилдора Насриддининова, бош шифокор ўринбосари Матлубахон Абдухалилова, кичик

тиббий ходимлар — Муҳаббатхон Юсупова, Тўлғаной Мақсудовани айём билан самимий табриқлайман. Уларнинг оналар ва болалар саломатлигини сақлашдек масъулияти ишларига зафарлар тилайман.

200 ўринли марказимиз малакали мутахассислар, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда оналар ва болалар учун барча қулайликлар яратилган.

Мен бир ҳамшира сифатида беморлар дардида дармон бўлаётганимдан, уларга шифо, меҳр улашаётганимдан фахрланаман. Аслида ҳамшира деган сўзнинг луғавий маъносини опа-сингил деганидир. Мен ҳам касалларимга худди ўзининг опаси ёки синглидек меҳрибонлик қилишга ҳаракат қиламан.



Барно МИРЗАЕВА,

XVI ёзги Осиё ўйинлари совриндори:

— Мен мустақиллик тенгдошиман. 1991 йилнинг 23 августда Денов туманида таваллуд топганман. 2004 йилда Ўзбекистон чемпионатида 1-уринни, 2008 йил Италиянинг Жиселло шаҳрида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медални, 2009 йилги Осиё чемпионатида 2-уринни қўлга киритдим. 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI ёзги Осиё ўйинларида

бронза медалига сазовор бўлдим. Ўтган йили бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида маҳоратли хотин-қиз спортчиларимиз шарафини кўриб Ватанимиз мадҳиясини янгради, 19 мартда давлат байроғимиз кўтарилди.

Бу ютуқларда хиссам борлигидан фахрланаман.

Қариси бор уйнинг париси бор



Санобар буви Нуриддинова чевараси билан.

Умр ўтаверар мисоли карвон

■ Баҳор, 8 март! Ажиб айём кунларида Шаҳрихон тумани Терактаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Санобар буви бир юз иккинчи баҳорни қаршилади. Пир убадлат онахонни кутлагани унинг фарзандларини наби-ралари, чеваралари, маҳалладошлари келишиди.

— Болаларим, баҳор бош-кача-да, — дейди Санобар буви давра турида ўтириб, набиралари келтирган бой-чекани кўзига суртиб. — Бойчекан баҳор кут-баракаси рамзи. Яратган эгам барчамизга омонлик, тани ситхатлик берсин...

— Қани-қушлар пиширган сумалакдан тотиб кўринг, — дейди меҳрибонлик билан набира келин Ҳалимаҳон. — Қозонга ёрни ўзингиз куйганингиз учун сумалак ширин бўпти.

— Юздан ошиб, узоқ умр кўришинг сирин борми? — деб сўради онахонни сўхбатга чорлаб.

— Яхши ният, ҳалол меҳнат, бориға шукр қилиш, — дея жавоб қилди онахон соҳибаси. — Ҳозир ҳам тиниб ўтирмайман. Умрим бини бўлиб кўзойнақ тақмаганман. Игнага ўзим ип ўтказаман.

Шу кунларда учта тўшак қавиб кўйдим.

— Бувижонимиз моҳир пазанда, чучвара тугишга ҳам уста, — дейишди онахон бечкалари бўлиши келинлар. — Бугунги кўк чучварани ҳам узлари тайёрладилар. Маҳаллада ким бетоб бўлса, тансиқ таом билан йўқлайдилар.

Онахоннинг умр йўлдоши Мадамин бува маҳалла оқсоқоли бўлган. Икки ўғли — Турсунбой, Жураҳон унинг икки қаноти. Йигирмата невар, йигирма бешта чевара эса давлати.

Хайрлашаётганимизда табаррук онахон: — Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин! Ҳар кунимиз баҳор, байрам кунидегидек қувончи ўтсин, Омин. — дея дуо қилдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Анжуман

Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги!..

■ Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-этиборини юксалтиришнинг пойдеворидир» мавзусидаги матбуот анжуманида асосий эътибор ана шу масалага қаратилди.

— Охири етти йил давомида мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1256 та спорт иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, — деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов. — Фойдаланишга топширилган мажмур спорт мажмуаларининг саксон фойздан ортиги қишлоқларда барпо этилганлиги республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам аҳолини, айниқса, ёш ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имкониятларини янада оширди. Натижада спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулоти билан шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар сони яна 5,3 фоизга ортди.

Жисмоний тарбия ва спорт фақат фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун муҳим омил бўлибгина қолмасдан, уларнинг соғлом ва чидамли бўлиб улғайишларини таъминлайди.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш борасида пухта ўйланган гоҳ ҳамда дастурий режаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, жойларда жисмоний тарбия

машғулотларини олиб борадиган хотин-қиз мураббийларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётганлиги, улар меҳнатининг моддий рағбатлантирилаётганлиги алоҳида эътирофга сазовор. Президентимиз қарори асосида қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида фаолият кўрсатаётган аёл мураббийлар маошларига 15 фоиз устима белгиланганлиги, шунингдек, уларнинг ўз шогирдлари эришган халқаро миқёсдаги юксак натижалар эвазига 400 фоиз устима иш ҳақи билан рағбатлантирилаётганлиги нафақат машғулотлар савия ва самарасини оширмоқда, балки устоз-мураббийларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашишга ундаяпти. Мисол учун, биргина ўтган йилда аёл мураббийлар сони 727 нафарга кўпайиб, ҳозир жойларда 2046 нафар хотин-қиз мутахассис ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Шунга мос равишда бу мутахассисликни эгаллашга интилаётган қизларимиз сафи тобора ортиб бормоқда. Буни биргина Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Хотин-қизлар спортини ривожлантириш таълим йўналишига тушган аризалар сони 2009 йилдагидан нис-



батан 2010 йилда 1,6 баробарга ортганини ҳам тасдиқлаб турибди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйиш борасида ўзаро фикрлашиб олинди.

Эркин ХОЛБОБ

Хушxabар

Ўзбекистон — жаҳон чемпионати мезбони

■ Швейцариянинг Цюрих шаҳрида 4 март кунини бўлиб ўтган ФИФАнинг Ижроқўм йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ўзбекистонда ўтказишга қарор қилинди.

— Ҳеч кимга сир эмаски, исталган тоифадаги жаҳон чемпионатини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ривожланган инфратузилмага эга бўлиш зарур, — дейди Мираброр Усмонов. — Бир неча йил давомида биз буни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқдамиз. Мамлакатда футбол инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантириш учун керакли ишларни олиб бордик. Аёллар футболининг кун сайин ривожланиб бориши дунёнинг барча мамлакатларида кузатишмоқда. Шу боис, бугун бизга ФИФА томонидан бу каби юксак эътирофга сазовор бўлиш жуда қувончлидир. Бир қанча Осиё миқёсидаги чемпионатларни ўтказдик, жаҳон чемпионатларини ҳам юқори савияда ўтказа оламиз.

Бундан ташқари, Мираброр Усмонов ўзбек футболининг бугунги ютуқлари Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатда футболни ривожлантиришга қатъий эътибор қаратаётганлиги билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Мен ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, дунёнинг ҳеч бир давлатида ҳукумат томонидан футболга бу қадар қатъий эътибор қаратилмайдими. Бу борада гап ҳам эркаклар, ҳам аёллар футболни ҳақида кетмоқда. Ўйлайманки, миллионлар йўнига бўлган бу каби тўғри муносабат бизга келажакда хали кўплаб ютуқларни келтирилади.

Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайтининг хабарига кўра, Ўзбекистон 2012 йилги жаҳон чемпионатини ўтказиш учун ФИФАга олти та шахарни тавсия қилди. Булар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Муборак ва Ғузор шаҳарларидир. Аммо бу жаҳон чемпионати барча олти та шахарда ўтади дегани эмас. Бу шунчаки УФФ тақдим этган шахарлар, холос.

Эслашиб ўтамиз, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги 2012 йилги Жаҳон чемпионати октябрь ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

(Ў муҳбиримиз)

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
мажмуаси жамоаси

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
муносабати билан барча аёлларимизни, меҳрибон оналар, дилбар опа-сингиллар, баҳордан гўзал қизларимизни самимий муборакбод этади!

«ЎЗВИНОСANOAT-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан юртимизнинг барча аёлларига узоқ умр, бахт-саодат тилайди!

(Газетанинг навбатдаги сони 10 март, пайшанба кунини чиқади.)

Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Олос Ўзбекистон» газетасининг 2011 йил 25 февраль, 8-сонида берилган эълондаги объектларнинг қурилиш муддати:

ЛОТ 1-3: Лот-1. Каттақўрғон туманидаги «Моҳоу-2» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 7 ой. Лот-2. Тойлоқ туманидаги «Қозилана-2» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 9 ой.

Лот-3. Иштихон туманидаги «Жойдевона» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 9 ой.

ЛОТ 1-3: Лот-1. Самарқанд туманидаги «Қорасув башиқчи» туманларозорозовури тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 9 ой.

Лот-2. Иштихон туманидаги «Тошгузар» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 7 ой. Лот-3. Жомбой туманидаги «Моҳоу» озорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 9 ой.

ЛОТ 1-2: Лот-1. Оқдараб туманидаги «Жарости-2» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 9 ой. Лот-2. Булуғур туманидаги «Шўрбеда»-3» ҳўжалиқларозорозовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари, қурилиш муддати — 6 ой, деб ўқилишини маълум қилди.

«Bank texnologiyalari» унитар корхонаси ўқув-ишлий маслаҳат марказига тегишли муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКOP ҚИЛНАДИ

«Ancher Holding Limited» холдинг жамоаси «Ancher Investments LLP» бошқаруви директори Хуршид Холовага ўғли САИДАЗИМнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Tahrir hay'ati:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
Andrey KUSTOV
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Musihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349
21781
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5